

ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ЮМОРНИНГ АНЪАНАВИЙЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТХУСУСИЯТЛАРИ

Азиза Қобилова Ахроровна

Бухоро давлат университетининг мустақил изланувчиси

Аннотация: мақолада болалар ва ўсмирлар китобхонлигига мос юмористик шеърларда поэтик образ, бадий деталлар, кулги уйғотадиган ҳолат, сўз ва тушунчаларнинг макон ва замон, объект ва субъектнинг янгиланиши билан тафаккурдаги эврилишларга мос равишда тадрижий тараққиётга эгаллиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: юмор, кулги, ҳажв, сатира, ҳазил, комиклик, масхара, комикс, психология, латифа, мавзу, сюжет, гоя, рамз, эволюция, қофия, тақлид сўз.

Ҳозирги ўзбек болалар шеърияти турли даврнинг ўзига хосликлари жумладан, поэтик образ яратиш анъаналари, бадий деталь ва воситалардан фойдаланиш, ижодкор услуби ва маҳорати нуқтаи назаридан тадрижий ривожланиб келмоқда. Боолалар идроки, тушунчаси, ҳиссий олами бир жойда қотиб қолмаслиги, ранг-баранг тамойил касб эта бориши шуни тақозо этади. Шунга кўра, уларга бағишланган асарларда қаҳрамон характери ўзгариб боради, мавзу ва сюжетдан ташқари, шакл ва мазмун, гоя ва фикрнинг аҳамияти муҳимлик касб этади. Болалар шеъриятида юморнинг ўрни ва бадий-эстетик вазифаси ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Кулги камида иккита объект иштирокида, яъни кулги бўлувчи ва кулувчи ўртасида содир бўлади. Шунга кўра кулги ташиш вазифасини бажарувчи образлар юмористик, комик образ, сюжет воқелигидаги кулгили ҳолатлар, қаҳрамонларнинг ҳаракатлари ва нутқидаги муайян комик белгилар воситасида ифодаланган асар юмористик асар номи билан юритилади.

Юмор умуман адабиётда аввало беозор кулгига асосланса ҳам унинг турли даврлардаги ижтимоий, адабий-эстетик вазифалари ранг-баранг кечган дейиш мумкин. Айтайлик, ўтган асрнинг 30-йилларида кичик мактаб ёшидаги болалар характерида учраб турадиган камчиликларни фош этиш, уларнинг гигиенага риоя қилмай кир-чир юриши, тишларини ўз вақтида даволатмаслиги (Ғ.Ғуломнинг “Нортожининг курак тиши”. “Аҳмад ёмон бола эмаску, аммо...”). ёки мактабда фанлардан паст ўзлаштирувчи 8-11 ёшдаги ўқувчиларнинг психологик образи (С.Жўранинг “Чўнтак”, “Маматнинг кечирмишлари”, “Ёлғончи”, “Қарздор”, Қ.Мухаммадийнинг “Дум” каби шеърлари) намоён бўлади.

Янги аср, янгича тафаккурлаш эса жамиятнинг юморга муносабатини ҳам ўзгартириб боради, албатта. “Юмор билан инсонлар ғазабли равишда масхара

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

қилинмайди, улар руҳан ўлдирадиган кулгига дучор бўлмайдилар. Жиддий салбий характерга эга бўлмаган, жинойий ишларга йўл қўймаган шахсларни фош қиладиган, тузалиши осон бўлган, чуқур илдиз отиб кетмаган нуқсонларни йўқотишга қаратилган кулги юмордир”,– деб таъкидланади манбаларда” [1:312].

Айтиш мумкинки, болалар шеърлятида юмор объекти, мавзуси янада кенгайди. Жамиятдаги кўпгина иллатлар – чақимчилик, ғийбатчилик, алдоқчилик, хиёнаткорлик, очофатлик, дангасалик аслида катталар орасида учраса ҳам болалар табиати янглиғ ҳажв қилинганлигини кузатиш мумкин. Р.Толиповнинг “Битта ёмон”, “Ҳар ким ўз айбин билмас”, “Олифта”, Анвар Обиджоннинг “Қурумсоқ”, “Текин зиёфат”, “Очофат”, “Ҳасадгўй”, “Қизғанчик” каби шеърляридаги фош этиш усули юморни юзага келтиради. Т.Адашбоев, Қ.Ўтаев, А.Обиджон, Ҳ.Имомбердиев, Д.Ражабов, А.Акбар каби шоирларнинг енгил юмор билан йўғрилган шеърлярида салмоқли ижтимоий мазмунни сингдириш етакчилик қила бошлади.

Шу билан бирга, бугунги ёш авлод танқидни “ҳазм” қила олмаслиги, аксинча самимий, илиқ муносабат, эътибор ва муҳаббат хуш ёқиши аён ҳақиқат. Юмористик талқинларда ҳам ёш авлод ғурурини, шаънини оёқости қилмаслик, уларнинг ўзига бўлган юксак ишончини йўқотмаслик, қолаверса, нозик қочиримлардан фойдаланиш, руҳий оламини асраб-авайлаш кабилар бундай шеърлар мазмунини бойитади.

3.Исомиддиннинг “Мақтанчоқ” шеърляда буни яққол кўрамыз.

Бир ўзим ... рўпарамда

Мудраган шер ётарди.

Дадил борсам ёнига

Қўрқиб бошин кўтарди,

Мендан кучли дунёда,

Йўқ эди, шу нафасда

Сўнг биров келиб,

Деди:

нарироқ тур қафасдан.

Шеърля болаларга хос кўрқоклик ва мақтанчоқлик бир қараганда сезилмайди, ҳатто лирик қаҳрамон “дадиллиги”дан ўзича мағрур, бир зум бўлса ҳам “энг кучли”лигини ҳис қилаяпти, шу завқни туяди. Ўқувчи ҳам юрагини ҳовучлаб, бутун диққати билан шеърлянинг охириги мисраларигага қизиқиб ўқийди-да, “хайрият-э” деб юборади. Назаримизда, юморнинг кўпроқ

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

кичкинтойлар табиатига, оламига мос ва хослиги ҳам шунда. Зеро, юмористик шеърларнинг вазифаси томошаталаб болаларни тўплаб, нукул камчиликлар устидан кулиш, тенгдошларини мазах қилиш, камситишга ўргатиш эмас, балки улардаги жасорат ва дадилликни ҳис қилиш завқини кўрсатиш ҳамдир. Яъни, кулги объекти бўлиб майна қилиниш, мазах бўлишга одатланган боланинг руҳиятида келажакда жамиятга нисбатан нафрат пайдо бўлади, одамлардан қочади, тенгдошлари даврасида ўзини камситилган ҳис қилади. Бу психологик ҳолат даставвал синфда, оила даврасида, сўнгра, жамоада ва жамиятда илдиз отиб, иллатга айланиши мумкин. айтайлик, Шу сабабли, юмор ёш қалбларни парчалашга эмас, барқ уриб ўсиб-улғайишга йўл очиши лозим.

Ҳ.Имонбердиев юмористик шеърларига ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни болалар шеърларига “сездирмай” олиб киради. “Ўйин” шеърида болалар машғулоти орқали жиддий ғоя илгари сурилган:

Аввалига хўп роса,
Қилолмайин муроса,
Бошлиқликка талашдик,
Бир уришдик, ярашдик.
Охир мушти зўр Омон
Бошлиқ бўлди катта-кон!

Ҳақиқатдан, ўғил болалар ўз тенгқурлари билан ўйин ўйнаганда улар орасидаги гавдалироқ, кучли ва муштум зўрроғи “онабоши” ёхуд “жўрабоши” этиб сайланади. Бу бошлиқ ўйинни бошқариб, ҳар хил ғирромлик қилганларни таъзирини бериб, ўйин қоидаларини бузмай ўйинни ташкил қилиб туради. Омоннинг амалдорлигини қолган “ходимлар” дарров таъзим билан қабул қиладилар. Фақат раҳбарнинг тинчлигини кўзлаб, ўринбосар танлашда яна ёқа талашадилар. Шунда:

Бошлиқ олайтириб кўзин:
–Ўринбосар ҳам ўзим!
Буюраман тек туринг,
Яна стул келтиринг!,– дейди.

Алал-оқибат иккита стулга ҳам ялпайиб ўтирган бошлиқ, таъзирини ейди: орқаси икки стул орасига қисилиб, вой-войлаб, “ойи” деб йиғлайди. “Кўш стулнинг чимчиши” туфайли ўйин ҳам бузилади.

Т.Адашбоев “80-йилларга келиб Анвар Обиджон болалар шеърлятидаги об-ҳавони бир йўла янгилади. Унинг “коса тагида нимкоса” асарлари тилга тушди”, деб ёзади [2].

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

Чиндан ҳам болаларнинг юмористик адиби, драматурги ва шоири А.Обиджон ижодида бу жиҳат акомиллашганига гувоҳ бўламиз. Унинг “Ғалати мактублар” туркумидаги шеърларида бугунги ёш авлод учун архаик, тарихий ҳодиса ва тушунчаларга айланиб улгурган, ёки замонавий нарса-ҳодисаларнинг болаларбоп атамалари, янги сўз ясаш кабилар юморни вужудга келтиради. “Калишнинг ботинкага”, “Чайнамайшимингнинг хўрозқандга”, “Кўранинг кумфонга”, “Сополкосанинг чинникосага” “ёзилган хат”ларидаги сюжет шу маънода эътиборга лойиқ. Чориғ бобонг, Шиппак опанг, Хиром аканг, чўтир Кирза тоғанг, Маҳсибиби ойинг, Амиркони холанг” сингари болалар тилига хос бўлган сўз ясалмалари нафақат шеърни кичкинтойларга яқинлаштиради, балки айнан бола шу пойафзал турларини ўзининг яқин қариндошлари сифатида тасаввур қилиб, мириқиб кулишига сабаб бўлади. Аммо унинг мазмунида миллий қадриятлар, масалан, “Чориғингни унутма” деган мақолдаги ким эканлигингни, келиб чиққинингни, ота-бобонгни унутма дегандек мазмун бўлса, хиром этикларни ғирчиллатиб кийган қирчиллама йигитлар мардлиги, жасорати, маҳсибиби ойинг- офтоб юзли, пурмаъно ўғитларга бой катта бувиларимизни эслашдек ифори хис қиламиз.

Шу билан бирга шоирнинг қатор шеърларида юмор яратишнинг турли усул ва воситаларини кузатиш мумкин.

1. Болалар фольклорига хос масхараламаларнинг ижодий стилизацияси орқали:

Фарҳод чўмилар // Сувга кўмилар.

Тилини чиқариб // Эрмақлар Миршариф:

“Фарҳод – пароход // Фарҳод – пароход...”

Тер тўкиб шаррос // Сув ташир Парвоз.

Тилини чиқариб // Эрмақлар Миршариф:

«Парвоз – паровоз // Парвоз – паровоз...»

2. Болалар ўйинлари ва манзара яратиш орқали. „Колхоз боғида“ шеърида болаларнинг ҳарбий кўшиннинг ҳужум қилиш манзараси акс этган. Фақат шеър ниҳоясидаги „Боғни кўққис босамиз, Олма еймиз роса биз. Бақиршиб, чинқириб. Келиб қолса қаровул, Ҳуштак чалар Матқовул, Чекинамит тирқираб“ жумлалари бу бор йўғи колхоз боғига ўғрилиққа тушган болаларнинг ўйини, болалиқдаги шўхликлари эканлиги англашилиб, катта-кичикка табассум улашади.

3. Ноўхшов ҳолат тасвири асосида.

Шоирнинг бу йўналишдаги шеърларидан бирида Ботирвой аввалги

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an’anaviy ilmiy-nazariy anjumani

қишда иссиқ ва юмшоқ жун пайпоқ билан ўртоқ тутингани, бу йил қишгача эса “ўртоғи”ни афсуски Сичқон еб кетганидан надомат чекиб, марсия ёзганлиги аён бўлади. Шеърда аввало Ботирвойнинг жунпайпоқ билан ўртоқ тутиниш кулгили ҳолат бўлса, энди ўша “ўртоғи”ни сичқон еб кетгани янада кулгилидир. Шунингдек, “Паришонхотир” шеърида Жамилнинг сувга чўмиламан деб кийимини ечиши-ю, ўзини эмас кийимларини сувга отиши ҳажв қилинади.

4. Сарлавҳа танлаш орқали.

Қумурсқавой

Топиб увоқ,

Терга ботиб

Тортди узоқ.

Чумчуқ келиб

Секингина,

Ютди-қўйди

Текингина.

Агар шу шеърнинг сарлавҳаси “Текинхўр” деб қўйилмаса, оддий манзара шеър ҳисобланади. Аммо, текинхўрлик номақбул иллат, ёмон одат бўлгани учун, чумчуқнинг қилмиши масҳара қилинган. Шоирнинг жуда кўп шеърлари айнан сарлавҳаси билан теран мазмун, бадий-эстетик вазифа касб этади..

5. Юмор ҳосил қилувчи сўз, атама ва терминлар орқали.

Шоирнинг “Ҳазилкаш”, “Масҳарабоз бола” шеърларининг сарлавҳаси айни пайтда юморнинг калит сўзлари ҳамдир. Айниқса масҳарабозлар ташқи қиёфаси биланоқ кулги уйғотади. Ва унинг вазифаси ҳам одамларнинг беўхшов қилиқлари, одатларини кулдириш орқали ўзларига англатади. Ҳатто кулишнинг турини ҳам кўрсатиб беради:

Катта қизил бурунли

Қизикчиман, биласиз.

Айбингизни гапирсам,

Хафа бўлмай куласиз,

Вах-хах-ха.

Гапиришдан ийманган

Олсин менинг ўрнимни.

Қарзга бериб тураман

Катта қизил бурнимни,

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

Вах-хах-ха.

6. Ходисаларнинг асар сюжетида тескари юз бериши орқали юмор яратиш.

Анвар Обиджоннинг юмористик шеърларининг кўпчилигида ҳаётдаги воқеа-ходисалар тескарисига рўй беради. Масалан шоирнинг “Хабар сотувчи” шеърини ўқиш орқали бозор манзараси кўз олдимизга келади. Аммо бу бозор ҳеч қаерда бўлмаган антика савдо-сотикқа эга. Лирик қаҳрамон айнан уддабурон савдогарларга хос бақир-чақир қилиб: *“Янги гаплар сотаман, Эски гаплар ҳам. Болажонлар, кепқолинг, Қолди жуда кам. Суриштирманг нархини, Шардан ҳам арзон. Хўрозқандга – рост хабар, Пишлоққа – ёлгон. Алмашаман янгисин Кепаксиз унга. Эски гапни – пуч ёнғоқ, Ёки совунга...”* дея қизиқтиради.

Ана энди унинг хабарлари ҳам жуда антика, ҳаётдаги ҳақиқатга ғирт тескари, ёки ўта кулгили: *Буни тонгда эшитдим, Энг янги хабар: Еб қўйганмиш тушида*

Бургутни Каптар. Худди шундай қуёнвой йўлбарс терисини ёпиниб олиши, тулкининг Бўрига хўроз келтириб бериши, эшакнинг айикни устидан саводсиз деб кулиши, Туянинг доктор арслонга қимматбаҳо теримга куя туши деб арз қилиши-ю, доктор унинг терисини шилиб олиб, узоқ текшириши кабилар чиндан ҳам катгаю-кичикнинг хоҳолаб кулишига туртки бўлади. Шеърнинг юмористик хусусиятларини таъминловчи талайгина бадий-стилистик воситалардан ташқари киноявий мазмун, мажозий-аллегорик образлар талқини замондош ўқувчини мулоҳазага етаклайди. Айнан бозор савдоси, ёлгон гап сотиш, алдов-қалдовларнинг ҳаёт ҳақиқатига қай жиҳатдан ўхшаб кетишини тушуниб етади. Ҳар бир жонзот, одамзот ҳам ўзидан кучсизга зўри етади. Аслида бу ҳайвонларнинг яшаш қонуниятини. Аммо афсуски инсониятга тўла тўқис юқиб улгурган. Шундай экан, шу ҳаёт қонуниятининг тескариси рўй беришини ҳамма бирдек орзу қилади. Хусусан, болажонлар тушида ҳам, ўнгида ҳам шу ҳақда ўйлайди. Шоир кичкинтойлардаги шу психологик ҳолатни теран илғаганидан, бу ҳаёлотни шеърда реаллаштиради. Болалардаги хурсандчилик, кулги завқи шундан. Улар бундай “хабарлар”ни жон деб сотиб олишга тайёр.

7. Лоф воситасида яратилган юмористик шеърлар

А.Обиджоннинг қатор шеърлари лофлар асосига қурилган. Гарчи бу лофлар ҳайвонлар ҳақида бўлса ҳам, егулик озиқ-овқатлари одамларга тегишли. Кулгининг асоси ҳам шу. Агар шоир Каркидоннинг шунчаки юз боғ беда, ёки юз челақ сув ичганини лоф қилса, қизиқарли бўлмаслиги мумкин, аммо “Иштаҳангдан ўргилдим” шеърда лавоқ Каркидон балчиқ кечиб лирик

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

қахрамон билан ошхонага киради. Эллик бешта нон, олти қоп бодринг, қирк пақир шўрва, тўқсонга тухумни, юз стакан компот, етмиш товоқ гўштлик ош егани учун унга тушлик етмай қолади.

Шундай қилиб, ҳозирги замон болалар шеърлятида юморнинг бадий-эстетик вазифалари мактаб ўқувчилари, кичкинтойларнинг ножўя қилиқлари, феъл-атворидаги камчиликларни фош этиш, масхара қилиш эмас, жамият тафаккуридаги, ижтимоий тараққиётдаги янгиланишлар билан боғлиқ долзарб муаммоларга кўпроқ эътибор берилиши, ёш авлод рухиятидаги эврилишлар, ҳуқуқий онгининг ўсиши кабилар эстетик тамойилга айланиб, тадрижий тараққиёт тамойилини юзага келтирганини кўрсатади.

Ҳозирги давр ўзбек болалар шеърлятида юморнинг бадий-эстетик асосини ташкил этувчи комиклик, рамзийлик ва бадий воситалар ёш авлод рухиятида улуғворлик, ўзига ишонч ҳамда интеллектуал жиҳатдан ўткир салоҳият, эстетик дид эгалари қилиб тарбиялашга йўналтирилганлиги билан муҳимдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Адабиёт назарияси. Икки томлик. – Тошкент: Фан, 1979. II том. – 312–313-б.
2. Адашбоев Т. “Осмон нега зангори?” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2008, 7 март.
3. Ахмедова З. Юмор и сатира в узбекской детской поэзии (60–70-х годов). Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – С. 35.
4. Жўраева Г. Ўзбек болалар шеърлятида ҳажвий образ яратиш маҳорати. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 17.